


**ISLAMONLINE.UZ**

---

Адабиёт



## Миллатни уйғотувчи нидо

---



Бадий асар инсон бекорчиликда шунчаки вақт ўтказиш учун варақлаб чиқадиган эрмак эмас. Унда муаллифнинг инсон, хаёт ва жамият хақидаги мақсад ва гоёлари акс этади. Кечанинг сабоклари, бугуннинг ахволи ва эртанги кундан кўзланган мақсад ва умид бадий тарзда ифода этилади. Шу сабаб баъзи асарларни фақат воқеалар мазмунини билиш учунгина бир бор ўқиш кифоя қилмайди. Бундай асарлар қайта-қайта қўлма-қўл ўқиладигани ва ўқилгани сари ҳар бир ўқувчи хаётида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бораверади.

Буюк ёзувчи Абдулла Кодирининг бундан роппа-роса юз йил илгари яратган «Ўткан

кунлар» романи айни шундай асардир. Бу асар, мана бир асрки, энг катта -эътирофларга сазовор бўлиб келяпти. Романни ўкиб чиккан бир гурух озарбайжонлик китобхонлар Абдулла Кодирийни «ёзувчиларнинг энг сараси» сифатида эътироф этгани ҳам бежиз эмас.

### Куёшсиз кунлар кайгуси

«1264-инчи хижрий, далв ойининг ўн еттинчиси, киш кунларининг бири, куёш боткан, тевааракдан шом азони эшитиладир...»

«Ўткан кунлар» романи одатий нурли ва куёшли куннинг бадиий ифодаси билан эмас, айнан куёш ботгандан кейинги пайтнинг тасвири билан бошланган. Киш ва куннинг ботиши бир-бирини тўлдирувчи ўзига хос мувофикликка эга. Лекин тевааракдан эшитилаётган азон садоси юкоридаги тасвирдан айрича холатни ўқувчи хаёлига жойлаштиради. Гўё куюк бир зулмат қаъридан кичик бир ёруглик изланаётгандай, умид килинаётгандай таассурот колдиради. Муаллифнинг бутун максоди ана шу биринчи жумлада мужассам бўлган гўё.

Бу китоб хар бир инсон, оила, жамият ва умумбашарият учун нима беради? Бугунги шиддаткор, бошқача айтганда, глобаллашув замонида бу савол атрофида мушохада юритилса, муаллиф максоди ҳамда асардан ўқувчи нима олиши мумкинлиги хакидаги масалага узил-кесил жавоб топиш мумкин.

Асарда аввало чин инсон кандай бўлиши зарурлиги бадиий акс эттирилган. Чинакам инсон бор экан, демак, у кайсидир мухташам бир оиланинг фарзанди. Оила, ота-она ва фарзанд, кайнота-кайнона ва келин (куёв), эр ва хотин ўртасидаги муносабатлар, кўйингки, асл инсон ўзини каерда кандай тутиши зарурлиги хакидаги батафсил кўрсатмалар баён килинганки, асарни ўкиш асносида хар бир ўқувчи асар кахрамонларига мукояса киларок ўзини ва ўзлигини таниш сари йўлга чиқади.

### Безавол инсонийлик

Бир карашда асар икки ёшнинг оташин мухаббатидан хикоя килаётгандек таассурот колдиради. Даставвал Отабекнинг, кейинчалик Хасанали, Ўзбек ойим, Юсуфбек хожи каби (Зайнабдан бошка) оиланинг барча аъзоларини ўзига мафтун этган Кумушбиби тимсолида нафакат ўзбек кизларининг бор миллийлиги, одоб-ахлоки, хулкий гўзаллиги, нафосати рамзи, балки башарият нуктаи назарида чинакам инсон кандай бўлиши кераклиги хакидаги муаллифнинг юксак идеали ҳам акс этган. Аввало, шуни айтиш мухимки, Кумуш ўзига яраша хат-саводли, илм-маърифатли аёл. Унинг одоб-икромни, бошкаларга муносабати ҳам шунга мувофик. У турмушга узатилаётганда (гарчи ўзининг фикри бошка бўлса-да) ота-она раъйига тўла-тўкис бўйсунди. Хатто кўз очиб кўргани

бир кун келиб ота-она орзусининг курбони сифатида бошига кундашлик балосини солганда ҳам ўзининг барча алам-изтиробларини яширин равишда кўзёшларида ифода этади. Отабек олдида келганида бу масалага ўз муносабатини «мен рози, мен кўндим...» сўзлари билан изхор этади. Бу аёл киши табиатида топилиши мушкул бўлган энг нодир ва тансик холат. Яна тўғрироғи, муаллифнинг ижодий идеалидир. Хаётда эса арзимаган бир бахонаи сабаб билан, кўпинча асоссиз рашк ва шубха-гумонлар билан сан-манга бориб, эрининг ёқасидан оладиган, турмуш ўртоғига кун бермайдиган, охир-окибатда ажрашиб ҳам кутулиб бўлмайдиган аёллар канча?! Хар кандай аёл биринчи навбатда ўз нафсининг хузури ёки истак-хохиши эмас, умид билан бир ёстикка бош кўйган умр йўлдоши олдидаги аёллик вазифаси, итоати, хокисорлиги ва одобу хурмати билан кадрли эканини муаллиф Кумушбиби тимсолида акс эттирган. Аёлнинг аёл ҳамда рафика сифатидаги асл мавқеи сабабли миллатимиз оилани хамиша мукаддас санаши, тотувлик биринчи галда аёлнинг эрга, оилабошига итоати билан мустахам бўлишига эътибор қаратган. Кумушбининг хатто ўлим талвасасида ётганида ҳам кайнотасини кўриб, хурмат юзасидан ўрнидан турмоқчи бўлгани воқеаси халкимиз орасида зарбулмасалга айланиб кетган. Унинг ўз ота-онасига, эрига, кайнона-кайнотасига нисбатан муомаласи хар бир кишининг хавасини келтиради.

Асарни ўқиётган кизлар ўзини Кумуш сифатида тасаввур қилади. Ота-оналар фарзандининг Кумушдай бўлишини орзулайди. Кумуш миллатнинг асл кизи тимсолини ўзида тўла-тўқис мужассам этган қахрамон.

Унинг Зайнаб билан тинимсиз олишувлари ҳам хом сут эмган бир бандаи ожизнинг реал инсоний қусурлари тарзида тасвирланади. Агар муаллиф бу қахрамонини ўша қусурлардан холи тарзда каламга олганида бу сунъийлик асар бадииятига соя ташлаган бўлар эди. Шу жихатларни инобатга олиб, адиб ўз идеалидаги қахрамонини Олтинбиби эмас, Кумушбиби сифатида ўқувчига такдим этди.

Кумушбининг халокати маиший турмушдаги майда худбинликлар дастида қилинган жаҳолат оғуси туфайли бўлди.

### Ўзини енгган тимсол

Асар марказида туриб, муаллифнинг энг катта гоё ва мақсадларини акс эттирувчи тимсол бу — Отабек. Отабек чинакам ўзбекона ва миллий бир оилада тарбия топган. Ўз даврининг илгор илм масканларидан бирида таълим олган. Ўз фикрига эга, назари ўткир, ўзи, оиласи ва миллати келажаги учун харакат қила оладиган ёшлардан бири. У савдо ишига эндигина қирган, ёш ва тажрибасиз бўлишига қарамай, Маргилондаги катта-катта савдогарларнинг хурмати, эхтироми ва эътирофига сабаб бўлади.

Отабекнинг Зиё шохичи, Ақрам хожи ва Мирзакарим қутидор қаби ақобир тижоратчиларни лол қолдирган бир неча жихатлари бор эди. Аввало, одоб ва билимда бошқаларга ўрناк бўладиган йигит экани бўлса, ўзи яшаб турган жамият хақида мустақил ва холис фикр эгаси экани мезбонларни қойил қолдирувчи яна бир масала эди. Лекин Отабекнинг савдо билан чет шаҳарларга боргандаги ишлари тажрибали ва устамон тижоратчиларни буткул ажаблантириб қўяди. Сабаби, савдо ахли бошқа

шахарга тижорат максасида борганда биринчи галда ишлари ўнгидан келиб, кўпроқ даромад-фойда билан кайтишни кўзлайди. Бутун ўй-хаёли шунга каратилади. Отабек эса, тужжорларнинг бу аъмолидан фаркли равишда борган шахридаги давлат бошқариш, идора усулларини-да синчиклаб кузатади. Ўз миллатининг бугунги залолати сабабларини кидиради, эртанги саодати учун кайгуради. Ўзининг чўнтагини тўлдирадиган уч-тўрт сўмдан кўра, Отабек учун ана шу иккинчи жихат кўпроқ -эътиборли эди.

Ўз миллатида ҳеч қандай масъул лавозимни эгалламаган фикри очик бир йигитнинг юрт ва миллат гамини еб, шундай ишлар билан кизикиши ўша давр учун ноёб бир фазилат бўлгани каби орадан яна бир асрдан кўпроқ вақт ўтган бугунги кунимиз учун ҳам ҳамон нодир ва камёб хусусиятдир.

Юрт манфаатини ўз фойда-зиёнидан устун қўйиш, ҳар қандай ҳолатда юрт дарди билан яшаш, миллат келажаги учун виждоний масъуллик кишини комиллик сифатларидан экани маълум. Эндигина йигирма тўртга қадам қўйган Отабекда эса бу каби фазилатлар унинг ҳаёт тарзига айланиб бўлган. Унинг учун тижорат орқасидан катта фойда топиб, шу билан тирикчилик ўтказиб кун кўриш муносиб иш эмас. У инсон сифатида яшаши учун корин ва тирикчилик кайгусидан ҳам улканроқ ва муҳимроқ масала бор. Бу — миллатнинг келажаги кайгуси. Отабек ўзини миллат келажаги учун ҳамиша масъул деб ҳисоблайди. Миллатнинг эртанги куни учун кўлидан келганича ҳаракат қилади. Адолатсизлик, маҳаллийчилик, мансаб-мартаба илинжидаги олишувлар, факат нафс тузогида бўлиш ва ўзаро майда-чуйда кин-игволарга қарши давомли курашади. Хатто ўз отасидан ҳам каттикқўллик билан шуни талаб қилади. Отабек шу хусусияти билан тузимнинг бошида турган (Худоёрхон, Мусулмонкул, Азизбек каби) раҳнамолардан ҳам афзал туришини кўпчилик эътироф этади. Шу жихатдан Акрам хожининг «Агар хон кўтариш маним кўлимда бўлса эди, хон қилиб Отабекни кўтарар эдим...» дейиши ҳеч бир муболага эмас. Бу қахрамоннинг номидан ҳам аён кўриниб турибдики, муаллиф нуктаи назарида Отабек юртнинг ҳақиқий эгаси. Шунинг учун ҳам юртнинг бошига тушажак кайгули кунлар ҳавотири уни юрт остонаси — Олмаотагача олиб борди. У юрт мустақиллиги йўлида биринчилардан бўлиб курашди ва шаҳид бўлди. Аслида уни ўлдирган беҳиммат юртогаларининг жаҳолати эди.

### Миллат оталиги

Отабекдай йигитни тарбиялаб вояга етказган хонадон муаллиф идеалини ҳам ўзига мужассам кўрсатади. Отабекни миллатпарвар бир қахрамон қилиб тарбиялаган Юсуфбек хожи аслида бундай тарбияни жамиятнинг ҳар бир кишисига илинган эди. Афсуски, босар-тусарини билмаган бек ва бекзодалар, амалдор ва зодагонлар унинг сўзини кулоққа олишмади. Хатто бунинг учун хожини дор тагига равона қилишмоқчи бўлишди. Юсуфбек хожи эса оилада ҳам, жамиятда ҳам огир-босиклик билан ҳукм чиқариб, тинч-тотув ҳамда адолатли ҳаёт кечириш тарафдори бўлди. Оилада унинг гапини олмаган Ўзбек ойим «нафаси ўткир домла» ахтариб, эшикма-эшик сарсон бўлганлари ҳеч бир наф бермади. Ўз холидан отасига хабар бермаган ўғил Тошкент ва

Маргилон ўртасида йилларча бесамар катнаб юра берди. Кайнотаси пандига илтифот килмаган келинлар қисмати аянчли якун топди. Бири халок бўлди, иккинчи бири ўлимдан ҳам огиррок кўйга тушди.

Асар бошланишидаги куёшнинг ботиши тасвири жаҳолат боткогида қолган миллат ифодаси эди. Коронгуликда йўлини йўқотган миллат ўзининг асл вазифаси қолиб, беҳуда хой-хаваслар йўлида илгарилаб кетди. Миллат ва келажак гамини унутиб, оғайнилар бир-бирига қилич қайрайдиган бўлди. Асл душман қим эканлиги мулоҳаза қилинмади. Бу ҳолатдан унутли фойдаланиб қолганлар бу буюк ва қудратли миллатни жаҳон сахнасида махв эта бошлади. Миллат бор бўйича таназулга юз тутди.

Муаллиф бош қаҳрамони Отабек тилидан «мозористонда «хайё алафалах» хитобини қим эшитар эди...» жумласини қелтиради. «Хайё алафалах» — азон қалималари тарқибидеги одамларни нажотга даъват қилувчи нидо. Бундай нидони марҳумларга ҳеч бир фойдаси йўқ. Агар миллатда Отабек, Юсуфбек хожи сингари қалби тирик қишилар бўлса, улар албатта нажодга шошиши зарур. Асар бошланишида қелтирилган азон овози халқни жаҳолат уйғусидан уйғотувчи ҳамда нажодга ундовчи улкан бир чорлов ҳам эди. Афсус, муаллифнинг бу чорловини эшитадиган ва тушунадиган қиши бўлмаганидан унга 1938 йил 4 октябрь қуни ҳуқм ўқилишидан бир қун олдин марҳумлар сафидан жой берилди. Лекин яхшиликнинг умрига биргина ўқ билан нуқта қўйиб бўлмайди. Абдулла Қодирий бошлаб берган ҳар бир инсонни миллат келажакига дахлдориғини англаиб турувчи буюк даъват адиб қолдириб қелган улкан асарлар сифатида янграб тураверади.

Абдуқарим АВАЗБЕКОВ